

**ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ОИЛА ТАРБИЯСИНИНГ АКС  
ЭТИШИ.**

**Муталипова Мавлюда Жунайдуллаевна  
ALFRAGANUS UNIVERSITY  
Тошкент, Ўзбекистон.**

**ОТРАЖЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ВОСПИТАНИЯ В НАРОДНОЙ  
ПЕДАГОГИКЕ.**

**Муталипова Мавлюда Жунайдуллаевна  
ALFRAGANUS UNIVERSITY  
Ташкент, Узбекистан.**

**REFLECTION OF FAMILY EDUCATION IN FOLK PEDAGOGY.**

**Mutalipova Mavlyuda Zhunaydullayevna  
ALFRAGANUS UNIVERSITY  
Tashkent, Uzbekistan.**

**Аннотация.** Мақолада халқимизнинг оила маънавиятига ва оилада фарзанд тарбиясига юксак қадрият сифатида алоҳида эътибор билан қараши, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланиши ҳақида сўз юритилган.

Миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс эканлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** оила маънавияти, қадрият, ижтимоий муҳит, маънавий мезон ва қарашлар, инсоний фазилатлар, қариндош – уруғчилик муносабатлари.

**Аннотация.** В статье рассказывается об особом внимании узбекского народа к семейной духовности и воспитанию детей в семье как высокой ценности, о самых чистых чувств человека, первых жизненных понятий и видений в кругу семьи, которая формируется в первую очередь в семье.

Подчеркивается, что при формировании и возвышении присущей нации духовности, несомненно, роль и влияние семьи несравнимы.

**Ключевые слова:** духовность семьи, ценности, социальная среда, духовные критерии и взгляды, человеческие качества, родственные отношения.

**Annotation.** The article tells about the special attention of the Uzbek people to family spirituality and the upbringing of children in the family as a high value, about the purest human feelings, the first concepts of life and visions in the family circle, which is formed primarily in the family.

**Keywords:** spirituality of the family, values, social environment, spiritual criteria and views, human qualities, family relations.

Кириш. Халқимиз оила маънавиятига юксак қадрият сифатида алоҳида эътибор билан қарайди. Оила доимий меҳру-муҳаббат, иззату-хурмат мужассам бўлган, оила аъзолари бир –бирларини севадиган, суянадиган бир маскан сифатида эъзозланган. Чунки айнан оилада меҳр-шафқат, муҳаббат, мурувват ва оқибат тушунчалари фарзанд онгига мурғаклигиданок сингдирилади, шу боис ҳам ҳар бир инсон уйига, оиласига талпинади. Маънавий комиллик, миллий тарбиянинг бош ва бетакрор ўчоғи ҳам болани доимий ўраб турган ижтимоий муҳитнинг бир бўлаги бўлган оиладир. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат “Раҳбари нажот” асарида шундай ёзган эди: “Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шарти шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиладилар”.

Маърифатчилардан бири Ризоуддин ибн Фаҳриддиннинг “Инсонларнинг дину-дунёларини тузатмоқ матлуб бўлса, энг аввал гўзал хулққа эга бўлмоқ ила оилаларни тузатингиз. Оилалар тузалганидан сўнг дин ҳам, дунё ҳам тузалади” , - деган гапларида катта бир ҳақиқат ифодаланган.

Методология. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Доно халқимиз узоқ асрлар давомида яратган оила маънавияти билан боғлиқ фарзандларни ахлоқий тарбиялаш усул ва воситалари, инсоний фазилатлар қоидалари халқ педагогикаси манбаларида ўз аксини топган.

Ўзбек халқ педагогикасида болаларда ижобий фазилатларни шакллантириш учун биринчи навбатда оила аъзолари – ота-она, ака-ука, опа-сингил ва оиладаги катталарга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш зарурлигига амал қилингани кўринади. Оилада болаларнинг катталарга бўлган меҳрибонлиги тарбия натижасидагина таркиб топадиган маънавий фазилат эканлиги таъкидланади.

Оилада болаларни ахлоқий тарбиялашда халқ донишмандларининг одоб ва ахлоқ ҳақидаги ҳикматли сўзлари ҳамда халқ оғзаки ижодининг турли жанрларидан ўринли фойдалана билиш катта аҳамиятга эгадир. Халқимиз яратган мақол, матал, эртак, афсона, қўшиқ, ривоятларда фарзанд тарбиясига оид қатор маслаҳат, панд-насиҳатлар мавжуд.

Халқ педагогикасида ота-она ўз фарзандини севиши, эркалаши, ардоқлаши зарурлиги, лекин меъеридан орттириб талтайтирмаслик кераклиги, акс ҳолда унинг ёмон оқибатлари ҳақида ҳам турли мисолларни учратишимиз мумкин.

Оила, оилада фарзанднинг ўрни ҳақида ҳам қатор халқ мақолларини айтиб ўтишимиз мумкин: “Оила тинч - юрт тинч”, “Оила кўш устунли айвон”, “Бол - ширин, болдан бола ширин”, “Бола кўнгли - подшо”, “Бола ўнга кирса, отаси сонга кирар”, “Давлатнинг боши - фарзанд”, “Бола хондан улуг”, “Фарзанд бахти - она тахти”, “Фарзанд - белнинг қуввати”, “Фарзанд камоли - ота жамоли”, “Фарзанд боққан ота, жонни қоққан она”, “Фарзанд - дилбанд, фарзанд - қанот”, “Фарзандинг - давлатинг, фазилати - зийнатинг” ва ҳ.

Шунингдек, оилада ота ва онанинг ўрни ҳақида ҳам қатор мақоллар мавжуд: “Ота - ақл, она - идрок”, “Ота - билак, она - юрак”, “Она - дарахт, бола - мева”, “Онанингни қуёш билсанг, отанингни ой бил”, “Ота бола учун тахт ясар, бахт ясай олмас”, “Отанга қилганингни болангдан кўрарсан”, “Ўғил-қиз яхши бўлса, ота-она хурсанд. Ўғил-қиз доно бўлса, элу-юрт хурсанд”.

Ҳар бир ўзбек оиласида қариндош – уруғчилик муносабатларига катта эътибор қаратилади, ёшларга қариндошлар билан қувончли кунларни баҳам кўриш, қайғули кунларда ҳамдард бўлиш каби муносабатлар болалигиданоқ сингдирилади. Буни қуйидаги халқ мақолларида кўришимиз мумкин: “Борсанг – қариндош, бормасанг – бегона”, “Дўст сафарда билинар, оға-ини – кулфатда”, “Озиқли от ҳоримас, қариндошли қаримас”, “Еб-ичганда ёт яхши, қайғу кунда - қариндош”, “Иниси борнинг ириси бор”, “Онанингни кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут”, “Ота – хазина, ака-ука – таянч” ва ҳ. Эртақларда ҳам ушбу масала кенг ёритилади. Масалан, “Ака – ука” эртагида ҳикоя қилинишича, “Ака-ука деҳқончилик қилишади. Кеч кузда ҳосил йиғим-теримини тенг иккига бўлишади. Кечаси ука ўйга толади: “Акам менга қараганда катта рўзғор, кел, ўз улушимдан бир озини акамникига кўшиб кўяй”. Шундай қилиб, кечаси акасига билдирмай, ўз улушидан анчасини акасиникига кўшиб кўйибди, сўнгра кўнгли тинчиб, уйқуга кетибди.

Бир вақт акасининг уйқуси қочиб кетибди. У ўйлабди: “Укам камбағал, мендан бошқа ёрдамчиси йўқ. Биз кўпчилик бўлсак ҳам, бор-йўқчилик унчалик билинмайди. Кел, укам қийналмасин – ғалламдан бир озини унинг ғалласига қўшиб қўяй”.

Ака ўз улушининг анчасини укасиникига қўшиб қўйибди. Шундан кейингина кўнгли тинчиб, уйқуга кетибди.”

Бу эртақнинг мазмунидан ака-уканинг бир-бирига бўлган чексиз меҳрини ҳис қилдик ва халқ педагогикасида оилада фарзандлар, ака-укаларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, бир-бирини қадрлаши энг аввало оила тарбиясининг натижаси эканлигини исботловчи юқоридаги каби мисоллар жуда кўплигига амин бўлдик.

Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ педагогикаси манбаларига кирувчи миллий мусиқа, қўшиқлар, рақс, тасвирий санъат турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бола ёшлигидан алла қўшиғини тинглаб, ўз ота-онаси, Ватани, халқига меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланади.

Шунингдек, оилада фарзандларга ёғоч, ганч, мис ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, кулолчилик, миллий либосларни тикиш каби халқ амалий ҳунармандчилиги турларини ўргатиш орқали уларда меҳнатга муҳаббат уйғота олган, ва бунинг натижаси ўлароқ, оилада нафосат ва меҳнат тарбияси амалга оширилган.

Таниқли этнограф олим И.Жабборовнинг таъкидлашича, “Қадимдан ўзбек оилаларида ёшига, жинсига ва табиатига қараб бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Масалан, ўғил болаларга ёшлигидан оталар уруғининг давомчиси, меросхўри, оила ор-номуси ва ифтихори, химоячиси, қизларга нисбатан устун турадиган эркаклик фазилатларини онгига сингдириб, қизларга эса бўлажак она ва уй бекаси вазифасини адо этувчи шахс сифатида тарбия беришган. Аста-секин вояга етиши билан ўғил бола ота таъсирида, қиз бола она таъсирида муайян тартибларга ўргатила бошланган. Одат бўйича болалар 6-7 ёшидан меҳнатга ўргатилиб, даставвал

енгил ишларни, 10-12 ёшидан бошлаб оғир хўжалик ишларини бажара бошлаганлар. Бола тарбиясига ота-она, маҳалла, жамоатчилик, алоҳида эътибор берган, айникса, уларнинг одоб-иқромли бўлиши кўпчилиكنинг диққат марказида турган.”

Демак, халқ педагогикасида ҳунар юксак баҳоланган, халқ оғзаки ижодининг барча жанрларидаги қаҳрамонлар фақат маълум бир касб эгаси бўлиб қолмай, балки ақлий, жисмоний ва маънавий камолотга эришган, ўз даврининг етук кишилари сифатида тасвирланиши бунга ёрқин далилдир.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларига маънавий меросимиз бўлган миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, удумларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий, маданий, тарбиявий аҳамияти ва моҳиятини тушунтириб бориши ҳам баркамол шахс тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, миллий онг, миллий руҳ айнан оилада она тили орқали шаклланади, бунга эса энг аввало ота-она масъулдир.

Хулоса. Юқоридагиларни мухтасар қилиб айтганда, халқ педагогикасининг барча манбаларида оила тарбияси, унда ота-она, фарзандларнинг ўрни, оилада тарбия турлари, усуллари ва воситалари, оила маънавиятига халқона қарашлар жуда кенг ва атрофлича ёритилган бўлиб, ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Демак, биз бу бебаҳо қадриятимиз – халқ педагогикаси манбаларидан фарзандларимиз тарбиясида фойдаланишимиз зарурдир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”.

#### **Адабиётлар:**

1. Ибн Фахруддин, Ризоуддин. Оила. – Т.: Меҳнат, 1991.
2. Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. –Т.: Фан, 2000.
3. Жабборов И. Ўзбеклар. – Т.: Шарқ, 2008.

4. Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: Маънавият, 2008.
5. М.Ж.Муталипова. Вопросы нравственного воспитания в источниках народной педагогики. Colloquium-journal .№33 (192), 2023. Warszawa, Polska. №33 (192), 2023, декабрь, 28-30-бетлар.
6. Муталипова М.Ж. Халқ педагогикаси ва педагогик маданиятнинг ўзаро таъсири ва уйғунлиги. ТА’ЛИМ FIDOYILARI. Илмий –услубий журнал. 1-сон, 1-жилд, 1-қисм, 2024 й., 212- 219 б.